

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

ЎзССР Давлат китоб палатаси

## ДАВРАНИ КЕНГ РОК ОЛИНГ!



### ТОПИЛМАЛАР СТОЛИ

Мақтабларда ўқувчилар орасида бирор бир буюмлари, ўқув қуроолларини унутиб қолдириш ҳоллари кўпинча учраб туради. Шунинг учун ўқув йили бошида мактабимизда "Топилмалар столи" ташкил қилган эдик. Мақсадимиз: ўқувчиларни тўғри сўзликка, ҳалолликка, виждонли бўлишга ўргатиш эди. Натига кутилгандек бўлди. Ўқувчилар ўзлари топиб олган ҳар қандай буюмларни олиб келиб топшироқдалар. Уюшма аъзолари эса буюмларни ўз эгаларига қайтаришмоқда.


**Ҳафизахон МАҲМУДОВА,**  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон туманидаги  
24-мактаб болалар ва  
ўсмирлар уюшмаси  
етакчиси.

### МАХСУС КУРС ОЧИЛДИ

Яқинда мактабимизда тракторчилик мутахассислиги бўйича ўқув курси очилди. Бу курсларда 9-ш-синф ўқувчилари 2 йил давомида ўқиб, тракторчилик ихтисослигини эгаллашади. Бу янгиликдан юқори синф ўқувчилари ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам беҳад мамнун бўлишди.

Биз ҳозирда шу мактабнинг 7-синфида таҳсил олаётигимиз. 9-синфга ўтгач, албатта ана шу курсларда ўқиш ниятидамыз.

**Барот ЭГАМОВ, Саид РАВШАНОВ,**  
Бухоро вилояти, Ғиждувон  
туманидаги 17-мактаб  
ўқувчилари.



Янги йил кечаси ям-яшил арча безатиш одат тусига кириб қолган. Нима сабабдан шундай қилинади? Бу одатнинг тарихи жуда қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Салкам икки минг йил аввал ҳам кўпгина халқларда Янги йилда арча безатиш русм бўлган. Ўша даврларда одамларда дарахтларда ўсимликлар ва ҳосилдорлик руҳлари яшашиди, деган тасаввур бўлган ва ана шу руҳларга эътиқод қилишган. Декабрь ойининг кунлар сезиларли даражада қисқара бошлаган ва янги "қуёшли" йил бошланган кунларида одамлар ўрмонларга йўл олишган. Каттакон арча дарахтини танлаб олиб, унинг шохларида макон қурган руҳларга атаб, "келаси йилги ҳосилимиз мўл бўлсин" дея ният қилиб, турли-туман совға-саломлар олиб қўйишган.

Бора-бора одамларда руҳларга бўлган ишонч йўқола

борган. Лекин, арча безатиш одати сақланиб қолаверган. Кейинчалик одамлар ўрмонларга бориб эмас, арчаларни кесиб келиб, уйларида турли хил ўйинчоқлар билан безатишни одат қилишган. Арча безатилиши ҳақидаги илк маълумотлар 1605 йилларга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, Германиянинг Страсбург шаҳридаги бадавлат немис хонадонларида янги йил арафасида муаттар ҳидли дарахт шохлари қоғоздан ясалган гуллар, зарҳал иплар, олмалар ва турли ширинликлар билан безатилар экан.

Россияда дастлаб янги йил 1 сентябрь куни нишонланиб келинган. 1700 йилда Петр I янги календар жорий қилган. У янги йилнинг бошланишини 1 январдан ҳисоблаш ва шу куни хонадонларни арча шохлари билан безаш ҳақида фармойиш беради. Кейин-кейин ана шу арча шохларини турли ўйинчоқлар билан безатиш ва болаларга совғалар улашиш одат тусига кира бошлаган.

Ўрта Осиё халқлари янги йилни март ойида нишонлашади ва бу айём Наврўзи олам деб аталади. Шундай бўлсада салкам бир асардан бери қардош халқлар билан бирга бизда ҳам Григорий тақвимидаги — Янги йил нишонланиб келинди. 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси нишонлайдиган янги йил байрагимиз барчамиз учун аввалгидек сеvimли ва ардоқли бўлиб қолаверади.

Қодир ТИЛЛАБЕКОВ



Кўнгул кў:гуси

## НИМАДИР ЙЎҚОЛДИ

Иккинчи чорак бошларида мактабимиз директори синфимизга нота ниш бир қизни бошлаб кирди.

— Танишинглар, Маҳбуба Пўлатова. Ўйлайманки, сизлар янги синфдошингиз билан тез орада дўстлашиб кетасизлар. Хафа қилиб қўймайсизлар? Тўғрими-а, Бадинов?

Ҳамма кулиб юборди. Рустам қизариб ерга қаради.

Кўнғироқ чалинган, синфга кирган ўқитувчимиз янги қизнинг баҳолар қўйилган табелига кўз югуртириб чиққач:

— Қизим, мен сени охириги партага ўтқазмоқчиман, розимисан, — деди табелни стол устига қўярган.

— Бизнинг Рустамни оталигинга

оласан, хўпми?

Қиз бош ирғаб, Рустамнинг ёнига бориб ўтирди.

Қилдан қийиқ ахтариб, арзиманган нарсага бошқаларнинг жигига тегаверадиган Рустам бугун негадир индамади.

Ўқитувчимиз дарсни давом эттирар экан, негадир ўша қизнинг олдида ўзимни гуноҳкордай сеза бошладим. Синфимизда кимнингми, ниманингми ўрни бўшаб қолгандай эди назаримда. Орқага ўгирилдим. Рустам доска тарафга тикилганча хаел сураётганга ўхшарди. Негадир кўз ўнгимдан мана шу манзаралар ўта бошлади:

... Гулзорда атлас кўйлакли Маҳбуба зангори осмонга тикилган

нича, хаёллар огушида фарқ бўлиб Рустамни кутиб турибди. Рустам эса гулзор оралаб, бир даста гулларни қучганича Маҳбубага томон яқинлашиб келмоқда. Етиб келиб шивирлади:

— Азизам...

Маҳбуба шарпадан чўчиган кийикдек хушёр тортиб, ортига қаради: Рустам яна такрорлади:

— Азизам...

Маҳбуба уялганидан юзини олиб қочди:

— Сиз... ўшамми?

Рустам ҳам дадиллашди:

— Ҳа, мен ўша...

Мен буларни Маҳбубанинг бежиримгина қилиб тикилган атлас кўйлагига ҳавас билан маъюсгина

боқиб турган Рустамнинг кўзларидан уқиб олдим.

Танаффусга кўнғироқ чалинди. Ўқитувчи чиқиб кетди. Лекин ўша маъюс кўзлар атлас куйлакка тикилганича тураверди. Мен бу манзарани қузатар эканман, ўзимга-ўзим савол бердим: "Наҳотки муҳаббат деганлари шу бўлса?!"

Шу топда Рустамга жудаям ҳавасим келиб кетди. У бугун иккита нарсани топди. Биринчиси — Маҳбуба, иккинчиси — Муҳаббат. Лекин мен бехосдан ниманидир йўқотдим. Ў қорам, еки оқ? Бу — сизнинг ҳукмингизга ҳавола.

Толиб ТЕМИРОВ.

# Ассалом, Янги Йил!



## ТАҚВИМ — КАЛЕНДАРНИНГ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ!

Йил давомида аниқ тартибга эга бўлган кунлар ва йил ҳисоби бошланадиган даврларни кўрсатувчи ҳисоблаш тизими тақвим (календар) деб юритилади. Унинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Ибтидоий даврларда тақвимлар бўлмаганлиги бизга манбалардан аён. Инсон онгининг ривожлана бориши жараёнида аниқ вақт ҳисоби юзага келди. Аввало бу ҳисобларда айрим ноаниқликлар бўлганлиги табиийдир. Бора-бора такомиллашиб, аниқликлар киритила борди. Масалан, славян халқлари бир йилни бугдой ўримида бошлаб, келаси бугдой ўрими даврида якунлаган бўлсалар, Урта Осиё халқлари кўкларнинг бошланишидан, америкалик негрлар биринчи қор ёғишидан, австралиялик серемғир ойлاردан ҳисоблаганлар.

Биринчи ва нисбатан аниқроқ ҳисобланган ой тақвими бундан 4000 йил муқаддам қадимги Вавилонияда пайдо бўлган. Бу тақвимда бир ой ҳисоби бир гал 29 кун, яна бир гал 30 кунга тенг келган. Ойлар осмонда ярим ой кўринган даврдан бошланган. Бир йил 12 ойга бўлинган ва 354 кунни ташкил қилган. Кейинчалик, мисрликлар ой тақвимидадан воз кечиб, юлдузлар ҳаракати асосида янги йил тақвимида тузганлар. Маълум бўлишича, июл ойининг бошида қуёшдан бироз илгари шарқ томондан Сириус (тонг) юлдузи қуёш чиққунга қадар бир неча дақиқа кўзга ташланиб тураркан. Ана шу ҳодиса Нил дарёсининг тошиб оқадиган кунига тўғри келар экан. Айнан ана шу кундан бошланган мисрликларнинг бир йили 12 ойдан ташкил топиб, унинг ҳар бири 30 кундан иборат бўлган.

Эраמידан аввалги IV асрда яҳудийлар ой-қуёш тақвимида кўчиб, бир йил 12 ойга бўлинган ва ойлари ҳам Вавилонияда тузилган тақвимники каби тақсимланган.

Ислон динининг тадбиқ этилишидан бошланган мусулмон календари ҳам ой календари ҳисобланиб, 12 ойдан, унинг 6 ойи 29, 6 ойи 30 кундан иборат бўлган. XIV асрда Мехико воҳасида ацтек қабиласи яшаган. Ацтеклар моҳир тошкесар усталар бўлишган. Улар базальт тошидан тош календар ясашган. Диаметри 3,5 метр, оғирлиги 20 тонна бўлган бу тош тақвими Мехиконинг барча аҳолиси кўтариб, ибодатхонанинг устига ўрнатилган. Бу тош тақвими ҳозирги кунда ҳам ноёб санъат асари тилсолида сақланиб келинмоқда.

XVI аср охирида христиан динидаги давлатларда янги усулда Григорий календари қабул қилинди. Ҳозир кўпгина давлатларда ана шу тақвимдан фойдаланилади. Ҳозирги ҳисобларга кўра, бир йил 365 кун, 5 соату 48 дақиқа. Шунингдек, бир ой 29,5306 кунга тенг. Бу рақамларга қараб, улар орасида аниқ ва бутун сонлар йўқлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун ҳам ҳозиргача нисбатан аниқроқ бўлган Григорий календаридан фойдаланилиб келинади.

Т. ТОЛИБОВ

## Янги йилни қаерда,

КУБАда ярим тунга яқин кўзалар сўвга тўлдирилади. Соат миллари 12 ни кўрсатгач, сувни ерга тўкиб ташлаб, ҳар бир киши 12 донадан узум ейиши шарт. Бу йил бўйи бахтиёр бўлайлик, деганидир.

ИТАЛИЯда янги йил кунни деразадан барча эски нарсаларни улоқтиришади.

ЯПОНИЯда янги йил кунни ярим тунда 108 марта кўнғироқ чалинади, чунки 100 ва 8 рақамлари японлар учун бахтли рақам ҳисобланади. Кейин уйларига кириб ухлашади. Уларда байрам бутун январ ойи давом этади.

ГВИНЕЯда шу кунни ҳамма филларни етаклаб юради.

КЕНИЯда сувда чўмиладилар ва қайиқда сайр

## қандай нишонлайдилар?

этадилар.  
СУДАНДА одамлар бир-бирига енг оқ ҳаёда этадилар.

ВЕНГРИЯда байрам дастурхонига парранда гўшти қўйилмайди, чунки парранда учади. Бу кунни ким парранда гўштини истеъмол қилган, бахтини учирар эмши.

РУМИНИЯда байрамга атаб пиширилган варақилар ичига ҳар хил нарсалар солиб пиширилади. Ким агар қалампир солинган варақини еса, шўр пешона ҳисобланадир экан.

МОНГОЛИЯда шу кунни ким кўп овқатланса, кўп умр кўради, деб ҳисоблайдилар.

КОРЕЯда қизлар ўртасида баландликка сакраш бўйича мусобақа кенг тус олади.

## Байрам дастурхонига

### АЖОЙИБ СОВҒА

1994 йилни кузатиб, янги, 1995 йилни кутиб оладиган дақиқаларга ҳам саноқли кунлар қолди. Айни кунларда ҳар бир хонадонда байрам таралди. Айтишларича, Янги йилни энг яхши эзгу-иятлар, кўтаринкилик ва қувноқлик билан кутиб оласак, ана шу кайфият йил давомида ҳар биримизнинг ҳамроҳимиз бўлар экан. Шунинг учун ҳар бир оилада байрам кунни тўқин дастурхон бозатилиб, унинг атрофида яхши тилаклар билдирилди.

Янги йил дастурхонини безаш учун онажонларимиз, опаларимиз, хуллас оналарнинг барча аъзолари ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишади. Дастурхонда оналарининг яқин кўмакчилари бўлмиш қизларимиз кўллари билан тайёрланган байрам торти, ширин кулчалар еки бирор мазали егулик бўлса, айни муддао бўлади, шундай эмасми?

Куйида, тенгдош дугонангиз, Тошент шаҳридаги 12-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Мухайе Аҳмедованинг муҳарририятга йўллаган ширин кулча ҳамда гўшти нонни қандай тайёрлаш ҳақидаги маслаҳатларини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ўз қўлингиз билан тайёрлаб, дастурхонга тортисангиз, оналарингиз учун ажойиб совға бўлади, деб ўйлаймиз.

#### ШИРИН КУЛЧА (пряник)

Ярим литр қатиққа 2 дона тухум сариғи, яримта маргарин, 1 пиела шаккар, бир чой қошиқда ичимлик содаси солиб, юмшоқ хамир қорилди. Хамир бироз тиндирилгач, жува ердамида 1 сантиметр қалинликда ейиб, кичикроқ стакан билан шакллар кесиб олинади. Газ патнисига териб, ўрта оловда пиширилади.

Кулчалар пишиб чиққунга қадар тухум оқиға 1 пиела шаккарни оз-оздан солиб кўпиртирилади. Қием холига келгач уни қайнаб турган чойнақ устига қўйиб, 2 ош қошиқда сув қўшиб, 10 дақиқа қавлаб турилади. Пишиб чиққан кулчаларни иссиқлигича ана шу қиемга бирма-бир ботириб олиб, патнисага терилади. Кулчалар юзидаги қием қотгандан сўнг, дастурхонга тортилади.

#### ГЎШТЛИ НОН (балиш)

Сирли идишга 2 дона тухум қақиб солинади. Икки пиела (силароқ) қатиқ, 50 граммча эритилган маргарин, 1 ош қошиқда шаккар, озгина туз, 1 чой қошиқ соданинг сувдаги эритмасыни қўшиб, юмшоқ хамир қорилди. Иссиқроқ жойда тиндирилади.

Қиймаси учун 200 граммча гўшт, озгина думба еғи, 2 дона картошка, 2 бош пиез, таъбага кўра туз, мурч, зира керак бўлади. Тиниған хамирни тенг икки бўлакка бўлиб, биринчи бўлаги еғланган газ патнисига 1 см қалинликда ейиб чиқилади. Устига бир текисда қийма солинади. Хамирнинг иккинчи бўлаги ҳам жувада текислаиб қийма устига епилади. Четлари жимжимдор қилиб епиштириб, юзасига тухумнинг сариғи суртिलाди. Уртача оловда, ярим соатча пиширилади. Пишиб чиққан совтилади ва тўртбурчак шаклида кесиб, ликобчаларда дастурхонга тортилади.

ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ	МАЙ	ИЮНЬ
2 9 16 23 30	6 13 20 27	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26
3 10 17 24 31	7 14 21 28	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27
4 11 18 25	1 8 15 22	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28
5 12 19 26	2 9 16 23	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29
6 13 20 27	3 10 17 24	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30
7 14 21 28	4 11 18 25	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24
1 8 15 22 29	5 12 19 26	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25

ИЮЛЬ	АВГУСТ	СЕНТЯБРЬ	ОКТАБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26
5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29
1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31

### Абдулла Қодирий умрининг 2-асрига дебоचा

Кумуш ўлди. Хоҳ йигланг, хоҳ йигламанг, барибир Кумуш ўлди. Бир пайтлар гўзал Маргилоннинг жуда кўп кишилари томонидан совчи қўйилган, Зайнабек Тошкент ма-ликасини ҳам гўзаллиги, ҳам ақли ва қолаверса, айёрлиги билан доғда қолдирган париваш кеча бор эди, бугун йўқ...

Кумушни ким ўлдирди?

Романи ўқиган киши ҳеч тап тортмай "Зайнаб-да" дейиши муқаррар. Йўқ, шошилманг, қотилини аниқлаш уқадар осон иш эмас. Кумуш жисман ўлган бўлса, Зайнаб маънан ўлди-ку! У мажнунага айланди-ку! Кумушнинг азаси билан бўлиб, Зайнабга раҳмингиз келиши тугул, унинг телба бўлиб қолганини ўйламагандирсиз ҳам. Нима, Зайнаб одам эмасми? Менимча, унга фақат салбий (агар салбий дейиш мумкин бўлса), тинсол деб қарамаслик керак. Ахир ўзингиз унинг ўрнида бўлганингизда нима қилардингиз?

Зайнаб-инсон. Унинг ҳам юраги бор. Унинг ҳам кўнглига қараш керак. У гўзал, севади ва севилишни хоҳлайди. Барчамизда мавжуд бўлган ширин орзу-хаёллар унда ҳам бор эди. Назаримда, аёл зоти учун севиб,

севилмасликдан кўра оғирроқ дард бўлмас керак... Тошкентнинг олди қизи бўлган Зайнабга ҳам қанча-қанча ҳурматли оилалардан совчи келмаган дейсизми? Бечора Зайнаб

ларга хос сабру тоқат билан енгишга ҳаракат қилди. Барибир юрак ёрилди. Ёрилганда ҳам қайнона-қайнотасига эмас, Отабекка ёрилди. Шу кунгача ўзининг шаръий эри-Отабекка дардини айтишни ҳам гуноҳ деб билган Зайнаб, эрига қўрқибгина дардларини айтди. Кошки, Отабек унинг охларини чин дилдан эшитган бўлса? Отабекнинг шу лоқайдлиги

Кумушнинг косасига солинажак заҳар эди. Бу заҳар фақат Кумушни ўлдиргани йўқ. Отабекни ҳам ўлдирди, чунки, Отабекнинг юраги тупроққа кўмилди...

**Ҳазин куй таралар қабристон узра, Лолақизғалдоқлар теради Зайнаб. Жилмайиб кўяди. Кулган юзидан Садафдек аччиқ ёш тушади кулаб. Кумушнинг қабридан узган гулларни Отабек пойига сочади кулиб. Унсиз силкинади шўрлик Отабек Қабрга отади юраги юлиб. Юраги-қабрда, жасад тик турар. Бу ҳайкал Зайнабга ҳади ёридан. Тинмай гул сочади унга мажнуна Гултоғ қад кўтарар ҳайкал пойидан.**

Зиёда АКБАРҚУЛОВА

## Менинг Зайнабим...

"Ўтган кунлар"ни ўқиб...

Юсуфбек ҳожидек, Ўзбек оймдек қатта ҳурмат эгалари бўлиб тушганида қанчалар севингандир. У билмаган-да, бу севинчларини ҳазондек янчилиб кетишини бу хонадонда.

Дарҳақиқат, Зайнабга осон тутмаслик керак. Узун тунларни бедор ўтказиш, ҳозирча ҳаётни, турмушни фақат висол онларидан иборат деб билган ёш келинчақка, битта ширин сўз эмас, ҳатто қарамаслик қанчалар оғир. Унинг ҳам эридан ширин сўзлар эшитгиси келган, у ҳам бир талай орзу-умидларини Отабекка айтиб, "худо хоҳласа, ҳаммаси бўлади", деган гапни кутган. Қўлингизга зирапча кирса бир кун турар, икки кун турар, охири йиринг ёрилиб чиқиб кетади. Зайнаб барча алам ва қайгуларини ичига ютди, аёл-



### МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

— Нодир, қани айтчи, 5 га 5 ни қўша неча бўлади?  
— 11 бўлади.  
— Нега, ахир 10 бўлади-ку?!  
— Ўзингиз, 6 га 4 ни қўшсак 10 бўлади" дегандингиз-ку.

### ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА

— Нодир, биласанми, сени ката бунанг маймун бўлган.  
— Бунанг жана қийин бўлган экан-да!

### ТАРИХ ДАРСИДА

Напалеоннинг "юриш"лари нима билан дутаган?  
— "Утириш" билан тутаган.

### ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА

— "Тинч океан"да нималар йўқ?  
— Тупалончи баликлар-да...

### ОНА ТИЛИ ДАРСИДА

— "Салим конфетни еёлмади", деган гапнинг эгаси ким?  
— Карим.

### АДАБИЁТ ДАРСИДА

— Рубойини нима учун ҳамма яхши кўради?  
— Чунки у яхши одам бўлганди-да...

Хайрулла ҲАМИДОВ.

## "Тонг юлдузи" газетаси қошидаги "Ёш мухбир" муҳарририятининг янги йил табриги



Бир куни икки лофчи учрашиб қолибди. Бири иккинчисига:

— Биласанми, мен кеча узунлиги 10 метр, эни 5 метр, қалинлиги 3 метрли китоб ўқидим, — деб мақтанибди.

— Ўша китобда муаллиф ҳаёти ҳақида ёзганмиди?

— Ҳа.  
— Э, менинг ён дафтарчамни топиб олибсан-ку.

\*\*\*

Бир лофчи иккинчисига:  
— Биласанми, мен ўтган кунни тоғда катталиги қўндай келадиган чигиртка кўрдим.

— Э, аттанг, бекорга бирортасини тутиб келмабсан-да жўжаларимга берардим.

\*\*\*

Бир лофчи иккинчисига:  
— Дадамнинг ов ити шерларни бир ямлаб ютиб юборарди. Бир куни бир йўлбарс итни ямламай ютиб юборди-я.

— Ўша йўлбарснинг думи чўлтоқроқ эдимиз?

— Ҳа, сен қаердан биласан.  
— Ахир у бунининг мушугини энг кичик боласи!

Баҳодир ЖўРАЕВ.



### Шухратбек МАМАДВАЛИЕВ, "Ёш мухбир" муҳарририятининг бош муҳаррири:

— Янги йил билан барча дўстларимни, тенгдошларимни чин юракдан қутлайман. Уларга 1994 йилда дилларига тушган гарду ғубордан қутлиб, 1995 йилда қувончларига қувонч қўйишлигини тилайман. Кўнглингиз қордай оппоқ, осмондай улғу, кошиотдек кенг бўлсин, азиз тенгдошлар!



### Хуршида ПОЛВОНОВА, "Истеъдод" клуби мудир:

— Янги йилда тенгдошларимга қордек покиза орзуларига етишишида, ҳаётнинг қаҳратон қишларидан эсон-омон ўтиб олишларида Оллоҳдан куч-қувват, сабр-матонат тилайман. Янги йил Сизларга бахт ва янги омад келтирсин. Юрагингизнинг энг чуқур қатларида турган орзулар рўёбга чиқсин.

Зиёда АКБАРҚУЛОВА, Бош муҳаррир ўринбосари:  
— Тенгдошларимни Янги йил билан чин дилдан қутлаб, шунга айтмоқчиман: келаятган йилда бир кишини қаттиқ ҳурмат қилманг, бир кун ундан заррача емонлик кўрсангиз, бу юрагингиз учун қаттиқ зарба бўлади. Бироқ бир кишидан қаттиқ хафа ҳам бўлманг, бир кун келиб ундан яхшилик топсангиз, ўртангизда ўнга айсилик юзага келиши мумкин.



### Шоди ОТАМУРОДОВ, "Адабиёт ва санъат" бўлими мудир:

— Айтишларича, ўзга мамлакатларда янги йилнинг илк кечасида одамлар эски кийимларини ташлаб, янги кийим кийишаркан. Яна бир мамлакатда эса бир-бирларига сув сепишаркан. Мен янги йилда қалбингизни янги шеърлар билан қувнатмоқчиман, юзингизга хурсандчилик, шодлик зилолини сачратмоқчиман. Янги йилнингиз янгича истак, янгича тўғулурга бой бўлсин, азиз тенгдошлар!



### Зулфия УСМОНОВА, "Нилуфар" клуби мудир:

— Ер юзидаги жамики ешларга тилагим шуки, уларнинг барчалари ўз орзуларига етсинлар. Янги йил уларга бахт, омад келтирсин. Эски йилда ушалмаган орзулари янги йилда рўёбга чиқишига тилакдошман.



### Дилфуза БЕГИМОВА, "Мақтаб ва болалар ҳаёти" бўлими мудир:

— Ҳар бир дўстимнинг янги йилга беғубор қалб билан қадам қўйишини истайман. Янги йилга кирган бўш қалб йилнинг саодатли лаҳзаларига лиммо-лим тўлсин. Софдиллик ва одамхунлик ҳамманинг ажралмас ҳабиби бўлсин.



### Қодир ТИЛЛАБЕКОВ, "Фан-техника" бўлими мудир:

— Мучал сирларида езилишича, тўнғиз йили анча осойишталикка, қувончу шодликка бой бўларкан. Янги йилда янгича шодлик ва янгича фикрлар билан келажакнинг ҳур чўққисига интилишингизни тилайман.



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ

Тахрир хайъати:  
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора  
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:  
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ  
ҚўМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учкуни"  
номи билан чиқа бошлаган

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:  
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 64563

Газета ҳафтанинг сешанба кунини чиқади

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—1289. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6